

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил январь ойининг 20 куни, жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг сайёр суд мажлиси, Чортоқ туман “Зафар Диёр” МФЙ биносида, очик суд мажлисида, судья И.Жаббаровнинг раислигида, Б.Саримсақовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Чортоқ туман прокурорининг ёрдамчиси М.Абдуллаев, судланувчи П.Боймирзаев, жабрланувчи М.Мирзахмедовнинг иштирокида, Боймирзаев Пахлавон Рахматилла ўғлига нисбатан 1-1610-2201/318-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Боймирзаев Пахлавон Рахматилла ўғли, 2004 йил 21 ноябрда Чортоқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган ўрта, Чортоқ туман ХТБга қарашли 6-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси, уйланмаган, муқаддам жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2019 йил 24 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 82-моддаси тартибида, энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида 1.013.650 сўм жарима жазоси тайинланган, жаримани 2020 йил 24 июль уни тўлиқ тўлаган, судланганлик муддати тугаган, Чортоқ тумани, “Юксалиш” МФЙ, Анортоғ кўчаси, 23-уйда яшайди, жиноят иши бўйича 2022 йил 14 декабрда муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 7 январда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи П.Боймирзаев, 2022 йил 27 ноябрь кунидан 28 ноябрь кунига ўтар кечаси, М.Мирзахмедовнинг Чортоқ тумани, Дамариқ МФЙ, Ўзбекистон кўчасида жойлашган савдо дўконига, савдо дўконининг эшик кулфини бузиш йўли билан ғайриқонуний равишда кириб, дўконда кассасида бўлган бир дона 50.000 сўмлик купюрадаги 50.000 сўм пулни, дўкон



растасидаги беш дона 40.000 сўмлик энергетик ичимликларни ҳамда 10.000 сўмлик икки дона Кока-кола ичимликларини яширин равишда талон-торож қилиб, ҳодиса жойидан яширинган.

Судланувчи П.Боймирзаев суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлиги, 2022 йил 27 ноябрдан 28 ноябрь кунига ўтар кечаси тунда, тахминан соат 22.00-23.00лар чамасида, ўзи ўқиб келаётган 6-сонли ўрта мактаб ёнида жойлашган, М.Мирзаахмедовга тегишли бўлган савдо дўконидан ҳеч ким йўқлигини кўриб, у ердан ўғирлик қилиш мақсади туғилгани, атрофда ҳеч ким кўринмагани сабабли, мактаб ўоқасидан 4-5 метр узунликдаги арматура олиб келиб, дўкон эшигидаги қулфни бузиб очгани, акфа ромдан қурилган эшикни ҳам бузиб ичкарига киргани, дўкон растасидан 4 дона энергетик ичимлик, 2 дона кока-кола ичимлигини олгани, дўкон растаси четида бўлган тортмани очиб, у ерда бўлан 50.000 сўм пулни олиб дўкондан чиқиб кетгани, энергетик ичимликларни бир ўзи ичиб, идишини дўкондан бир оз нарига йўл четида ташлаб юборгани, ёнидаги 50.000 сўм пулни эртаси куни қарзи учун бериб юборгани, эртаси куни ИИБ ходимлари чақириб, мазкур ўғирлик юзасидан сўрашганида, ҳақиқатдан ҳам М.Мирзаахмедовга тегишли савдо дўконидан ўғирлик қилганини тан олгани, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шаротини оғирлигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Гарчанд, судланувчи П.Боймирзаев суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, уни жинойт содир этганликдаги айби, қуйидаги далиллар билан ўз исботини топган. Жумладан;

жабрланувчи М.Мирзахмедовни суд мажлисидаги, 2022 йил 27 ноябрь куни кеч соат 20.00ларда савдо дўконини беркитиб уйига кетгани, эртаси куни эрталаб соат 07.30 ларда келинойиси дўконга чиқиб кетиб, бир оз ўтганидан сўнг унга кўнғироқ қилгани ва дўкондан ўғирлик бўлганини айтгани, у дўконга чиққан вақтида, дўкон эшигига илинган қулф бузилган, эшикка шикаст етказиб очилган ҳолатда эканини кўргани, шундан сўнг дархол ИИБга ариза билан мурожаат қилгани, ИИБ ходимлари келиб ҳолатни ўрганиб, хизмат ити ёрдамида, ўғирликни 6-сонли мактаб ўқувчиси П.Боймирзаев содир этганини аниқлашгани, суриштирув вақтида П.Боймирзаев ҳақиқатдан ҳам дўконга ўғирлик қилиш учун кириб, дўконидан 4 дона энергетик ичимлик, 2 дона кока-кола ичимлиги ва 50.000 сўм пул ўғирлаганини тан олгани, судланувчи П.Боймирзаевни оилавий шароитини билгани, уни ёш бўлгани сабабли зарардан ўз ихтиёри билан воз кечгани, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

бундан ташқари жабрланувчи М.Мирзахмедовни аризаси (ж.и 4 и.в), ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унинг фото иловалари (ж.и 5-14 и.в), хизмат ити қўллангани ва йўналиш чизмасини чизиш далолатномаси (ж.и 15 и.в), дактилоскопик экспертиза хулосалари (ж.и 23-27, 31-35 и.в), трассологик экспертиза хулосаси (ж.и 38-41 и.в), жабрланувчи ва гувоҳларнинг терговга қадар суриштирув вақтидаги тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомаларидаги кўрсатувлари, ашёвий далиллар ҳамда жинойт ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар мажмуи билан исботланган деб топади.



Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи П.Боймирзаевнинг М.Мирзахмедовга тегишли савдо дўконига ғайриқонуний равишда кириб, 100.000 сўмлик мулкни яширин равишда талон-торож қилганликда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 5-бандида “Ўзгалар мулкни талончилик ва ўғрилик билан эгаллаган ва айбдор бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб, босқинчилик эса жабрланувчининг ҳаёт ва соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўркитиб ҳужум бошланган вақтдан бошлаб, тугалланган ҳисобланади” деб, 9-бандида “Ғайриқонуний кириш деганда ўғрилик, талончилик ва босқинчилик қилиш мақсадида уй-жойга, омборхона ёки бошқа бинога кириш тушунилади. Ғайриқонуний кириш нафақат яширин, балки очикдан-очик, тўсиқларни, одамларнинг, шунингдек, кўриқловчи ходимларнинг қаршилигини енгиб содир этилиши мумкин. Алдаш йўли билан, шунингдек, қалбаки рухсатномалардан фойдаланиб, масалан, сантехник, алоқа бўлими ходими, газ, электр энергия ва ёнғиндан назорат қилувчи ходимлар ва бошқалар тариқасида бинода пайдо бўлиши ғайриқониний кириш деб баҳолаш керак. Уй-жой деганда кишиларнинг доимий ёки вақтинчалик туришига мўлжалланган (шахсий уй, хонадан, меҳмонхонадаги, санаториядаги хона, дала ҳовли, боғ ҳовли ва бошқалар) бино, шунингдек, унинг таркибига кирувчи дам олиш учун, мулкни сақлаш учун ёхуд инсоннинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун (балконлар, ойнабанд айвонлар, омборлар ва бошқалар) тушунилади. Омборхона деганда, товар-моддий бойликларни доимий ёки вақтинча бўлсада сақлаш, ташиш, талон-торож қилишдан, табиий офатлардан, айнишдан ва йўқ бўлиб кетишдан асраш учун махсус жиҳозланган, мослаштирилган алоҳида қурилма ёки жой тушунилади” деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб; 4-бандида “Қонун тайинладиган жазо тури ва меъерини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб кўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт” деб; 5-бандида “Судлар ижтимоий хавfli катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб



топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак” деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбулликига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбулликига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги судланувчи П.Боймирзаевни айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбулликига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, юқоридаги Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 54, 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, судланувчи П.Боймирзаевга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий ва моддий ахволини оғирлигини, ёш эканилигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, унинг шахсини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялашни имкони бор деган хулосага келиб, унга нисбатан у айбланаётган ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

-жабрланувчи М.Мирзахмедов етказилган зарар ўз ихтиёри билан воз кечгани, уни судланувчи П.Боймирзаевга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги аризасини инобатга олишни;

-ашёвий далил деб эътироф этилган етти дона бармоқ излари ва бир дона ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 211, 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Боймирзаев Пахлавон Рахматилла ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Боймирзаев Пахлавон Рахматилла ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан 3 (уч) йил муддатга сутканинг соат 22-00 дан соат 06-00 гача бўлган вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.



Боймирзаев Пахлавон Рахматилла ўғлига озодликни чеклаш жазосини Чортоқ тумани, “Юксалиш” МФЙ, Анортоғ кўчаси, 23-уйда ўташ белгилансин, жазони ўташ даврида қўйидаги тақиқ (чеклаш)лар ва мажбуриятлар ўрнатилсин:

-Назорат қилувчи органнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Наманган вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

Озодликни чеклаш жазосини ижроси Чортоқ туман ИИБ пробақия гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати П.Боймирзаев Чортоқ туман ИИБда ҳисобга қўйилган кундан ҳисоблаб, ўтаттирилсин.

Судланувчи П.Боймирзаев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси талаби, яъни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)ни бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо, бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Боймирзаев Пахлавон Рахматилла ўғлига нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Етказилган зарар бартараф қилиниб, жабрланувчи М.Мирзахмедовни даъводан воз кечгани ва судланувчи П.Боймирзаевга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги аризаси инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган етти дона бармоқ излари ва бир дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида Наманган вилоят судига шикоят беришлари ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

И.Жаббаров

